O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI
INV №

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: halksuzi@sand.uz • 2002 йил 1 октябрь, №211 (3039) Сешанба

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига

Азиз дўстлар!

Маърифатпарвар халқимиз келажак бунёдкори, деб эъзозлайдиган, дунёдаги энг улуғ ва шарафли касб эгаси бўлган сиз, муҳтарам устозларни умумхалқ байрами – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Бу қутлуғ кунни биз доимо зўр ҳаяжон билан, ҳар биримизга сабоқ берган, ҳаёт илмини ўргатган фидойи муаллим ва мураббийларимизга чексиз ҳурмат-эҳтиром туйғулари билан нишонлаймиз.

Бунинг боиси шундаки, эл-юртимиз сизларнинг тимсолингизда ёшларимизга нафақат таълим берадиган, балки уларнинг қалбига она Ватан меҳрини, юксак фазилатларни сингдирадиган, бутун ҳаётини жондан азиз фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашга бағишлаган жонкуяр ва олижаноб зотларни кўради.

Шу маънода, бутун Ўзбекистон болаларига ўз ота-онасидек яқин ва меҳрибон бўлган сиз, муҳтарам мураббийларга, юзлаб, минглаб заҳматкаш ўқитувчиларимизга Ватан ўз келажагини ишониб топширган, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Қадрли устозлар!

Дунёда ҳар бир инсон, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг бахту иқболини кўришни орзу қилиб яшайди. Мен учун ҳам юртимизнинг ёруғ истиқболини, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг камолини кўриш фаолиятим, бутун ҳаётимнинг маъно-мазмунига айланган буюк орзу, буюк мақсаддир.

Ана шу эзгу мақсадга эришиш йўлида, бутун дунёда тан олинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда мен сизларни ўзимнинг энг яқин маслакдошим, сафдошим ва ёрдамчиларим деб биламан.

Ўз навбатида шуни ҳам айтмоқчиманки, бугунги мураккаб замонда ўқитувчи ва мураббийларимиз олдида турган ўта долзарб вазифаларни ҳал этиш, уларга зарур шарт-шароитларни яратиб беришда давлатимиз керакли ёрдамни аямайди, таълим соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларни давом эттириш, бу борада янада салмоқли натижаларга эришиш учун ҳамма имкониятларни ишга солади.

Сизларга ўзимнинг чуқур ҳурматимни изҳор этар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хайрли ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари жамоаси ва талабаларига

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Қадрли талабалар!

Сизларни мамлакатимиздаги энг нуфузли ва навқирон олий ўқув юртларидан бири бўлмиш Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил этилганининг 10 йиллиги муносабати билан самимий табриклайман.

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида ёш, мустақил Ўзбекистон учун мутлақо янги соҳа бўлган давлатлараро муносабатлар, халқаро ҳуқуқ ва дипломатия йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида ташкил этилган мазкур университет қисқа вақт ичида фарзандларимизга жаҳон андозалари асосида таълим-тарбия берадиган замонавий илм даргоҳига айланди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Ватанимизнинг қадимий ва бой маданиятини, бугун юртимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни, халқимизнинг гўзал фазилатларини халқаро майдонда намоён этишга, миллий манфаатларимизни ҳар жабҳада ҳимоя қилишга қодир бўлган билимли кадрларни тарбиялаш борасида университет жамоаси олиб бораётган ишлар, айниқса, эътиборга сазовор.

Биз бу ишларнинг амалий самарасини мана шу дорилфунун бағрида таълим олиб, мамлакатимиздаги вазирлик ва идораларда, чет давлатлардаги элчихоналаримизда, хорижий ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар, фирма ва компанияларда фаолият кўрсатаётган кўплаб ёш кадрлар, университетда бошлаган таҳсилини жаҳондаги машҳур олий ўқув юртларида давом эттираётган юзлаб ўғил-қизларимиз мисолида яққол кўриб турибмиз.

Шу маънода, бутун Марказий Осиё минтақасида ягона ҳисобланган бу замонавий билим масканининг ўтган давр мобайнида нафақат диёримиз, балки юртимиздан олис-олисларда ҳам обрў-эътибор қозонишида сиз, муҳтарам профессор-ўқитувчиларнинг, давлатимиз, халқимиз доимо катта ишонч билан қарайдиган сиз, азиз талаба ёшларнинг муносиб ҳиссангиз бор.

Ўйлайманки, сизлар бу ишончни шараф билан оқлаб, озод ва обод Ватанимизни бутун дунёга таранним этишда бор куч-ғайратингиз, билим ва истеъдодингизни аямайсиз.

Барчангизни университет ҳаётидаги бугунги қувончли сана билан яна бир бор қутлар эканман, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, эл-юртимиз равнақи йўлидаги фаолиятингизда янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 сентябрь куни Оқсаройда "Даймлер Крайслер АГ" концерни бошқаруви аъзоси, Шарқий Европа, Болтиқбўйи, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича Германия иқтисодиёти қўмитаси раҳбари Клаус Юрген Мангольдни қабул қилди.

"Даймлер Крайслер" автомобилсозлик, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳасида жаҳондаги энг илғор концернлардан ҳисобланади. У Германиянинг "Daimler-Benz AG" ва АҚШнинг "Chrysler" компаниялари бирлашувидан вужудга келган.

Ўтган йили корхонада тайёрланган йўловчи ташувчи 3,9 миллион дона ҳамда 492,9 минг шахсий фойдаланишга мўлжалланган автомобиль савдога чиқарилди. Бу маҳсулотлар дунёнинг деярли барча давлатларида сотилади. Концерн таркибига 41 ишлаб чиқариш, молия, илмий, савдо ва хизмат кўрсатиш муассасаси киради. Ҳозирги кунда "Даймлер Крайслер"да 372 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Табиийки, бундай йирик корхона Германия иқтисодиётида ҳам муҳим ўрин тутади.

Сўнгги вақтларда концернининг автомобилсозлик учун янги технологиялар ва техникавий жиҳозлар етказиб бериш, хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга, мамлакатимиздаги йирик лойиҳаларда қатнашишга қизиқиши ортмоқда. Шунингдек, Германиянинг йирик сармоядорлари, фирма ва компаниялари қаторида "Даймлер Крайслер" ҳам мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирок этиш ниятини яширмайди.

— Ўзбекистон билан Германия ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик самарали кечаётгани ва барқарор ривожланаётгани бизни қувонтиради, — деди учрашувда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов. — Жорий йилда Германия федерал канцлери Герҳард Шрёдернинг юртимизга ташрифи чоғида ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ривожланиб бораётгани мамнуният билан таъкидланган эди. Келгусида, айниқса, иқтисодий соҳада ҳамкорликни янада кенгайтириш ва унинг янги-янги йўналишларини очиш учун имконият етарли.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан мазкур компания ўртасида истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилаётган лойиҳалар, иқтисодий дастурлар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

Андижон вилояти пахтакорларига

Қадрли дўстларим!

Сиз, азиз Андижон деҳқонларини, бутун вилоят аҳлини фидойи меҳнатингиз натижасида эришган катта ғалабангиз — 310 минг тонна пахта топшириб, ўз зиммангизга олган мажбуриятингизни бажарганингиз билан табриклаш мен учун катта қувонч ва ғурур бағишлайди.

Бу йил мамлакатимиз учун пахтачилик соҳасида иқлим шароити ноқулай келгани, кўкламги ёғингарчиликлар туфайли деҳқонларимиз чигитни қайта-қайта экишга мажбур бўлгани, бундай мураккаб вазият кўплаб муаммо ва синовлар туғдирганини барчамиз яхши англамоқдамиз ва унинг таъсирини ҳис қилиб турибмиз.

Шуни айтиш керакки, пахтакорларимизнинг меҳнатини бошқа соҳа кишилари меҳнати билан қиёслаш қийин. Ерга уруғ қадашдан тортиб, ғўзани парвариш қилиш, ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олишнинг ўзи қаҳрамонона меҳнатни талаб этади.

Агар қишлоқ хўжалиги учун оғир келган шароитни инобатга оладиган бўлсак, бу йил деҳқонлар учун ҳар қачонгидан ҳам машаққатли бўлганини эътироф этиш лозим.

Мана шундай шароитда, табиат инжиқликларига қарамай, Андижон вилояти меҳнаткашларининг бу йил ҳам мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта топшириш шартнома режасини бажаргани энг юксак баҳо ва таҳсинга муносибдир. Бундай натижаларга эришган сиз, азизларни қанча эъзозласак, қанча қадрласак, арзийди, албатта.

Бундай марраларга эришиш, авваламбор, вилоятда кейинги йиллар давомида нафақат пахтачилик, балки ғаллачилик ва бошқа соҳаларда ҳам шаклланиб келаётган, қишлоқ хўжалигида юксак замонавий агротехникани қўллаш, деҳқончилик маданиятини ошириш, ишни ташкил этишдаги омилкорлик ва фидойиликни ўзида мужассам этган, ўзгалар учун намуна бўлишга арзийдиган Андижон деҳқончилик мактабининг самараси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мен сизлар қўлга киритган бу ютуқларни аҳдида қатъий, лафзи ҳалол ва меҳнаткаш Андижон халқининг Ватанимиз равнақига қўшаётган муносиб ҳиссаси, деб баҳолайман.

Ўз олдига доимо катта мақсадлар қўйиб, янги марралар сари интилиб яшайдиган сиз, азамат пахтакорларнинг яна 60 минг тонна қимматли хомашё топшириб, ялпи ҳосилдорликни 37,5 центнердан оширишга азму қарор қилганингиз ҳақиқий мардлик ва шижоатнинг ёрқин намунасидир.

Мен бугунги катта меҳнат ғалабасига салмоқли улуш қўшган деҳқон ва фермерларни, теримчи ва механизаторларни, қишлоқ хўжалиги ходимларини, бутун вилоят аҳлини бағримга босиб, яна бир бор қутлайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик- тотувлик ва файзу барака тилайман.

Меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, бахт ва омад сизларга ҳамиша ёр бўлсин, азиз андижонлик қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

(Андижон вилояти пахтакорларининг меҳнат ғалабасига бағишланган материаллар билан газетамизнинг келгуси сонларида танишасиз).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Ватанимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ёш авлод қалби ва онгида замонавий дунёқараш асосларини, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшгани ҳамда кўп йиллик самарали меҳнати учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

"Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси"

Авазова Шукурзя Авазовна — Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 5-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Алимова Хабиба Турсуновна — Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ачилов Рузимурат — Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 10-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Бобоев Бобо Убайдуллаевич — Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Вальяно Елена Дмитриевна — Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги 5-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Махмудова Олия Тешаевна — Бухоро вилояти Жондор туманидаги 3-мактабнинг математика ва чизмачилик ўқитувчиси

Ражабов Даврон — Навоий вилояти Навоий туманидаги 7-мактабнинг математика ўқитувчиси

Раймов Худойназар Сидиқович — Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 13-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Саитмуродов Жолмурод — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 12-мактабнинг биология ўқитувчиси

Саттаров Хамза — Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 27-мактабнинг география ўқитувчиси

Узақов Абдималик Ибраймович — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманидаги 2-мактабнинг кимё ўқитувчиси

Холматов Аҳмаджон Алиматович — Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги лицей-интернатнинг чақириққача ёшларни тайёрлаш ўқитувчиси

Юлчиев Кўчқар — Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги 10-мактабнинг биология ўқитувчиси

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими"

Абдуллаев Нигмат Убайдуллаевич — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти профессори

Абдуллаева Ўғилхон — Наманган вилояти Наманган туманидаги 13-мактабнинг директори

Арбобов Ҳалим Ҳакимович — Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 21-мактабнинг физика ўқитувчиси

Джураева Зулхумор Хайдаровна — Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 9-мактабгача таълим муассасаси мудираси

Муйдинова Мукарам Тўраевна — Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти "Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари" кафедраси мудираси

Мухторов Уроқ Шодиевич — Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 8-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Разиков Хабибулло Ашурович — Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатининг ўқитувчиси

Расулов Норали — Тошкент вилояти Бекобод шаҳар халқ таълими бўлими мудири муовини

Турдиев Нарзикул Шеранович — Республика таълим маркази директорининг ўринбосари

Халмедова Миневер Оразбаевна — Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳридаги 1-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Хотамов Изатулла Унгалович — Жиззах вилояти Зафаробод туман халқ таълими бўлими мудири

Худойбердиев Рустамжон Одилович — Фарғона вилояти Ўзбекистон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи махсус фан ўқитувчиси

Якубов Шамурат — Қашқадарё вилояти Косон туман халқ таълими бўлими методисти

Яқубов Рўзиқул — Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 17-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ҳамроев Мухиддин — Сурхондарё вилояти Бандихон туманидаги 14-мактаб-интернат директори

(Давоми 2-бетда).

УНИВЕРСИТЕТНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИ

Шу кунларда ўзининг ўн йиллик тўйини нишонлаётган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида мамлакатимизнинг энг йирик олий ўқув юртлари ректорлари ҳамда юртимизга ташриф буюрган нуфузли хорижий илм масканлари раҳбарлари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари, университет ўқитувчи ва талабалари иштирокида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг университет ташкил этилганлигига ўн йил тўлиши муносабати билан ўқитувчи ва талабаларига йўллаган табригини ташқи ишлар вазири, мазкур олий ўқув юрти ректори А.Комилов ўқиб эшиттирди.

Университет юбилейига бағишланган илмий конференция "Халқаро муносабатлар соҳаси мутахассисларини тайёрлашни такомиллаштириш: тажриба ва истиқбол" мавзуида ўтди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ташкил этилган илк олий ўқув юрти бўлмиш мазкур университет ўтган вақт давомида нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасидаги энг нуфузли илм масканларидан бирига айланди.

1992 йил 23 сентябрда мамлакатимиз Президенти Фармонига биноан ташкил этилган университетни шу кунгача икки мингга яқин юқори малакали мутахассис битириб чиқди. Уларнинг аксарияти ҳозир мамлакатимиздаги нуфузли вазирлик, идора ва муассасаларда ҳамда юртимизнинг хориждаги элчихоналарида, йирик фирма ва компанияларнинг ваколатхоналарида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Университетнинг уч юздан зиёд талабаси таҳсилни дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртларида давом эттираяпти.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов сўзга чиқди.

(ЎзА).

Айём сабоғи

Ўзбекистондан бошқа яна қайси юртда ўқитувчилар ва мураббийларга шунчалик иззат-икром кўрсатилади? Йўқ, саволни бундай қўйишимиздан мақсад ўзгалар олдида мақтаниш эмас, балки шундай эътибордан қалбимизни тўлқинлантирган ғурур туйғусини ифодалашдир.

Ўзидан каттага ҳурмат, ҳаётда тўғри йўл кўрсатган устозга меҳр билан жавоб бериш — халқимизнинг азалий фазилати. Бугунги байрамимиз ҳам миллатнинг ана шу табиатидан келиб чиққан, десак, адашмасмиз.

Бугунги шодиёна касб байрами эмас, бутун халқ нишонлайдиган азиз ва мўътабар айёмдир. Беихтиёр, кўнгилга шундай фикр келади: тўхта, бугун-ку дам олаяпман, шундай байрам сабабчисини шахсан табрикладимми?

Қаранг, устозларнинг байрами ҳам сабоқ беради-я!

Ш.ЖАББОРОВ.

СУРАТДА: Тошкентдаги 70-мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчилари.
Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Эҳтиром

Мамлакатимизда яна бир қутлуғ байрам — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан Тошкентдаги Ўзбек Миллий академик драма театрида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

"Устозга таъзим" деб номланган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздан илғор ўқитувчилар, фахрий устозлар, тажрибали мураббийлар, таълим соҳасининг жонкуярлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ўқиб эшиттирди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим соҳасини тубдан ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчиллик билан татбиқ қилинаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги Қонунни амалга оширишда, маънавий етук, мустақил фикрловчи шахсни тарбиялашда ўқитувчи, мураббийларнинг ҳиссаси беқиёсдир.

Устозларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар натижаси ўлароқ, юртимизда уларнинг жамиятдаги мавқеи тобора юксалмоқда. Мазкур айём арафасида Президентимиз Фармонига биноан кўплаб таълим

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси"

Абдуллаев Эркин — Навоий вилояти Нурота туманидаги 6-мактабнинг тоштарошлик бўйича тўгарак раҳбари

Акбаров Азат Юлдашевич — Р.Глиэр номидаги Республика ўрта-махсус мусиқа мактаб-интернати ўқитувчиси

Алимов Талибджан Кличович — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори

Алмамедова Рохила Иноятовна — Самарқанд вилояти Темирйўл туманидаги 49-мактабнинг қимё ўқитувчиси

Атажанов Азимбой — Хоразм вилояти Шовот тумани халқ таълими бўлимининг жисмоний тарбия фани методисти

Волгин Игорь Борисович — Андижон вилояти Асака шаҳридаги Болалар ва ўсмирлар техник ижодиёт маркази тўгарак раҳбари

Дарханов Абдували — Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 30-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Кунгиротов Алламурот — Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 10-ихтисослашган мактаб-интернат директори

Маматов Мамаюсуф Исакулович — Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 17-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Пак Маргарита Афанасьевна — Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги 195-мактаб-гимназия директори

Пўлатов Шукур — Халқ таълими вазирлиги Умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Сидиков Сабир — Фарғона вилояти Қува туманидаги 25-мактабнинг математика ўқитувчиси

Собиров Бахриддин Пўлотович — Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернатининг математика ўқитувчиси

Ходжаева Аманбике — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги 9-мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари

Холматова Шарифа — Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози"

Кононеров Валерий Сергеевич — Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 19-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Қувақов Алим — Хоразм вилояти Боғот туманидаги 1-спорт мактабининг мураббийси

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишдаги фаол иштироки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий этиш, ёш авлодни ватанпарварлик, дўстлик ва тотувлик руҳида, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун ҳамда ўзининг фидокорона меҳнати ва юксак фазилатлари билан эл-юрт ўртасида хурмат-эътибор топган қуйидаги юртдошларимиз мукофотлансин:

"Эл-юрт хурмати" ордени билан

Абдувоҳидов Абдукадир Ишманович — Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 82-мактабнинг биология ўқитувчиси

Абдулхакова Мархаба — Тошкент шаҳри Сиргали туманидаги 284-мактабнинг тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси

Ахмадбеков Якубжан — Фарғона вилояти Охунбобоев туманидаги 46-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси

Жумаев Қурбон Имомович — Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 15-мактабнинг физика ўқитувчиси

Маматов Асқар Акбарович — Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 17-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Назаров Суюн — Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидаги 18-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Оллаберганов Абдушарип — Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 39-лицей-интернатнинг биология ўқитувчиси

Тураев Абдусамат Маматкабулович — Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги 10-мактабнинг физика ўқитувчиси

Тураева Шафоат Дониевна — Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги 6-мактабнинг директори

Убайдуллаев Хамра — Тошкент вилоят педагогика институти "География ва экология асослари" кафедрасининг доценти

Утегенов Қуатбай Каллибекович — Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туман болалар санъат мактаби директори

Халиков Мамарузи — Андижон вилояти Андижон туманидаги 15-мактабнинг кимё ўқитувчиси

Якубов Саиб — Бухоро вилояти Бухоро шаҳар халқ таълими бўлими мутахассиси

Ғуломов Худайберди — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 22-мактабнинг кимё ўқитувчиси

"Меҳнат шухрати" ордени билан

Атабаева Рано — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Дарсликлар ва ўқув ҳужжатлари бошқармасининг бошлиғи

Акрабов Ботир Турабоевич — Фарғона вилояти Сўх туманидаги 7-мактабнинг директори

Бухин Владимир Анатольевич — Тошкент шаҳри А.Икромов туманидаги 44-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Змиевская Людмила Ефимовна — Тошкент давлат техника университети қошидаги лицей-интернатнинг математика ўқитувчиси

Икрамов Темурали — Наманган вилояти Чуст тиббиёт коллежи ижтимоий фанлар ўқитувчиси

Каримова Саодат Ашуровна — Навоий вилояти Кармана туманидаги 2-мактабнинг физика ўқитувчиси

Лалаханов Байтура — Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 16-ихтисослашган мактаб-интернатнинг математика ўқитувчиси

Латыпова Гулноз Акрамовна — Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги 4-мактабнинг директори

Мамаджанов Мурат Саттиевич — Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги ўқувчиларни ҳуқуқий касбга йўналтирувчи республика лицейи директори

Мещерякова Светлана Михайловна — Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 32-мактаб-интернатнинг математика ўқитувчиси

Муродов Шайдулла Боймуродович — Сурхондарё вилояти Ангор педагогика касб-ҳунар коллежи она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Мусамухамедов Мухамматтрахим Ризаматович — Тошкент давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейининг математика ўқитувчиси

Нурметова Саляжан — Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 10-лицей-интернатнинг немис тили ўқитувчиси

Сафиева Гульсум Жумакуловна — Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги 20-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Торениязов Жуманияз — Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманидаги 13-мактаб директори

Турдалиев Абдусаттор Абдулпаттаевич — Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 24-мактабнинг чақириққача ёшларни тайёрлаш ўқитувчиси

Турсунов Сафар Алладустович — Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 24-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Турғунова Маҳаррамхон Муталлибжоновна — Андижон вилояти Избоскан туманидаги 10-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Ходжаев Хушнудбек Абидинович — Андижон вилояти Андижон педагогика коллежи хор дирижёри

Шакарбоев Эшанқул — Жиззах вилояти Ғаллаорол саноат касб-ҳунар коллежи физика ўқитувчиси

Ғаффоров Хушмурот — Қашқадарё вилояти У.Юсупов туманидаги 3-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Адизов Гайбулло Раджабович — Бухоро вилояти Бухоро туманидаги 25-ўрта мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Алланазаров Қаландар — Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги 29-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Джураева Мавжуда — Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги 9-мактабнинг география ўқитувчиси

Исманова Саодат Джамалдиновна — Андижон вилояти Жалақудуқ туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг инглиз тили ўқитувчиси

Исматов Сайдулло Бозорович — Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 22-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Исмоилова Нусрат — Жиззах вилояти Арнасой туманидаги "Ғунча" номли мактабгача таълим муассасасининг мудираси

Каттакулова Урал Яркуловна — Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги 17-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Кузиева Шоира Ходиходжаевна — Республика Рассомлик коллежи рангтасвир ўқитувчиси

Курьязов Хушнуд Бабаевич — Хоразм вилояти Урганч тиббиёт коллежининг директори

Муминова Мавлудахон — Наманган вилояти Норин туманидаги 5-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Мўминов Олим Умарович — Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

Окбутаева Робияхон — Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги 5-мактабнинг чизмачилик ўқитувчиси

Сабуров Оразали — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот шаҳридаги 9-мактабгача таълим муассасасининг мусиқа раҳбари

Хайдарова Мухаббат — Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 43-ўрта мактабнинг ўзбек тили ўқитувчиси

Ҳамзаева Самара Мирзаевна — Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги 12-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Абдуллаева Анаргуль Палуаниязовна — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 38-боғча-мактаб мажмуасининг директори

Абдумаликов Шайзоқ — Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 14-мактабнинг психологи

Абдурашидова Мухаррамхон — Андижон вилояти Улуғнор туманидаги 21-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Донаева Галия Гайсимовна — Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги 22-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Дурманова Айгуль Акбаровна — Фарғона вилояти Қиргули тумани "Нефтчи" спорт клубининг болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

Дусиёров Хуррам — Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги 79-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ергашова Карима Амантурдиевна — Тошкент вилояти Қўйи Чирчиқ туманидаги 11-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Кличева Фрида Мубиновна — Бухоро вилояти Тўқимачилик туманидаги 69-мактабгача таълим муассасасининг мудираси

Кудратова Санобархон Рахматуллаевна — Наманган вилояти Поп туманидаги 35-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

Курбанова Турсун Тагаймуратовна — Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги 16-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ниязметова Гавхар Ибрагимовна — Хоразм вилояти Хива туманидаги Меҳрибонлик уйининг тарбиячиси

Саидазизова Сурая Саидовна — Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 37-ёрдамчи мактабнинг логопед ўқитувчиси

Тоганасова Алмагул Абдикаримовна — Навоий вилояти Учқудуқ туманидаги 12-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Умирзаков Амир — Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 5-мактабнинг биология ўқитувчиси

"Дўстлик" ордени билан

Аитов Рафаиль Наильевич — Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги 1-мактабнинг физика ўқитувчиси

Гладышев Валерий Васильевич — Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги 145-мактаб директори

Давлетбаева Нурия Мансуровна — Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 32-физика-математика лицейининг кимё-биология ўқитувчиси

Долгова Наиля Якубовна — Навоий вилояти Зарафшон саноат касб-ҳунар коллежи директори

Дўстмуротов Пирмат — Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 1-ихтисослашган мактаб-интернатнинг математика ўқитувчиси

Исмаилова Нурие Мустафаевна — Сирдарё вилояти Ховос туманидаги 7-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Ким Искра Дмитриевна — Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги ихтисослашган мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Ким Клавдия Константиновна — Андижон вилояти Асака туманидаги 34-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Ким Роза — Самарқанд вилояти Боғишамол туманидаги 12-мактабнинг меҳнат ўқитувчиси

Назаров Тенгизбой Абдижанович — Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманидаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Неблиенко Наталья Михайловна — Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги 5-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Оспанов Рафаэль Мананович — Тошкент шаҳридаги 23-болалар мусиқа мактаби ўқитувчиси

Перетрухина Галина Павловна — Наманган вилояти Давлатобод туман халқ таълими бўлимининг мактабгача тарбия услубчиси

Рашидов Ҳикматулла Фатхуллаевич — Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази директори

Туймурадов Мухаммадкул Худойкулович — Қашқадарё вилояти Баҳористон туманидаги 2-мактабнинг физика ўқитувчиси

Хожиев Курбон Ражабович — Бухоро вилояти Когон шаҳридаги 5-мактабнинг директори

Чефранова Людмила Ивановна — Жиззах вилояти Дўстлик туман халқ таълими бўлимининг мактабгача таълим услубчиси

Ўринова Минавар — Хоразм вилояти Урганч туманидаги 1-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Қурбанбаев Мухам — Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл туманидаги 1-мактаб-лицейнинг директори

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги фаол иштироки, ёшларга замонавий талаблар асосида таълим-тарбия бериш, уларда эл-юртга садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик фазилатларини шакллантириш борасидаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Шухрат" медали билан

Абдуазизова Зулфия Хайруллаевна — Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги 7-мактабнинг информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари ўқитувчиси

Абдуллаева Тайифа Эргашевна — Наманган вилояти Наманган шаҳридаги 7-мактабнинг физика ўқитувчиси

Абдуразакова Зумайра Шарабиновна — Андижон вилояти Балиқчи туманидаги 48-мактабнинг география ўқитувчиси

Абдурахмонова Мавлюда Маматовна — Фарғона вилояти Риштон туманидаги "Ёш техниклар ижодкорлик уйи" директори

Авезов Ўринбай Хаитбаевич — Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 29-мактабнинг чақириққача ёшларни тайёрлаш ўқитувчиси

Азимова Муаззам Холовна — Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги 16-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Аманова Рахима Абдурахмановна — Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги ихтисослашган мактаб-интернатнинг инглиз тили ўқитувчиси

Амонов Абил Туропович — Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги 16-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Артиқбоева Барно Бердияровна — Сирдарё вилояти Ш.Рашидов туманидаги 6-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Артыкова Улбусын Жиемуратовна — Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги 4-мактабгача таълим муассасасининг мудираси

Ахматқулов Саидахмат — Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 33-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Ахмедова Раъно Мустафақуловна — Жиззах вилояти Жиззах туманидаги 10-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Аширбекова Загипа Калиевна — Навоий вилояти Конимех туманидаги 2-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

Бакирова Муножат Джахангировна — Тошкент шаҳри Бектемир туманидаги 289-мактабнинг тарих ва ҳуқуқшунослик ўқитувчиси

Бегматова Манзура — Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 19-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Бекчанов Кобулжон Салаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Элликқала туманидаги 3-мактабнинг география ўқитувчиси

Бердиқулова Зеби Бобоқуловна — Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги 4-мактабнинг математика ўқитувчиси

Бозарова Соҳиба — Самарқанд вилояти Сиёб туманидаги 56-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Боймуродов Абдусодиқ Ўралович — Жиззах вилояти Зомин туманидаги 2-лицей-интернатнинг математика ўқитувчиси

Боймуродов Тошпўлат — Тошкент вилояти Пскент туманидаги 7-мактабнинг математика ўқитувчиси

Бувабекова Ибадат Туртаевна — Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Гайипова Замирахон Ибрагимовна — Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 17-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ганасюк Наталья Яковлевна — Бухоро вилояти Когон шаҳридаги 14-мактабгача таълим муассасаси мудираси

Грибанова Татьяна Александровна — Тошкент шаҳри Миробод туманидаги 158-мактаб директори

Гулямова Бибиражаб Хадиевна — Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги 119-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

Дехқонов Махамат Қурбоналиевич — Фарғона вилояти Бағдод туманидаги иқтидорли ўғил болалар лицей-интернатининг математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари ўқитувчиси

Джураев Мукарам Зунунович — Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 9-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Дурдиев Худайберган — Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 45-мактабнинг математика ўқитувчиси

Ешчанова Қўширай Казаковна — Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги 40-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Жўраев Абдирахим Жабборович — Фарғона вилояти Фурқат туманидаги 28-мактабнинг математика ўқитувчиси

Исақов Эркинбой — Наманган вилояти Уйчи туманидаги 5-мактабнинг тарих ва давлат ҳуқуқи асослари ўқитувчиси

Исомова Гулчехра — Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги 14-мактабнинг география ва биология ўқитувчиси

Камалова Норжон Ҳамроевна — Бухоро вилояти Олот туманидаги 5-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Каршиева Мавжуда Эсановна — Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 1-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Ким Сергей Максимович — Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги 1-мактабнинг математика ўқитувчиси

Ким Лев — Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги 12-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

Коразбеков Бабанияз Байматович — Қорақалпоғистон Республикаси Кегайли туманидаги 3-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Курбаниязов Климент Тлеумуратович — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги ўқувчилар техник ижодиёт маркази директори

Мамадалиев Абдувохид Исоқович — Тошкент вилояти Бекобод туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

Мамажонов Абдумажид Сотволдиевич — Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги 35-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Мамажонова Розахон Мамажоновна — Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги 28-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Маматов Саъдулло — Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 23-мактабнинг физика ўқитувчиси

Мамталиева Феруза Абдулхамидовна — Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги 2-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

Махсудова Нартажи Абдужалиловна — Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 4-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

Миннибаева Факия — Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 4-мактабнинг кимё ўқитувчиси

Муминова Шаҳринисо Маликовна — Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги 18-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Мустафақулов Абдунаби — Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги 4-мактабнинг директори

Мухтарова Ханифа Каримжановна — Бухоро вилояти Ф.Хўжаев туманидаги 20-мактабнинг биология ўқитувчиси

Норкобилов Норбута Жуллиевич — Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги А.Ҳайдаров номидаги ихтисослашган мактабнинг кимё ўқитувчиси

Норқулов Баҳрон Умарович — Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 27-мактабнинг математика ўқитувчиси

Нуртаева Салима Каримовна — Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 7-мактабнинг биология ўқитувчиси

Равшанов Найим Рахмонович — Навоий педагогика институти қошидаги академик лицейнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

Рахматова Зулхумор Нарзуллаевна — Бухоро вилояти Қоровулбозор туман халқ таълими бўлими қошидаги Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази раҳбари

Раҳмонова Зулфия Махмудовна — Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги 24-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Раҳмонова Муҳаббат Ғафуровна — Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 14-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Рустамова Рахима — Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги 29-таянч мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Салиева Дильбархон Халматовна — Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги 10-мактабнинг география ўқитувчиси

Салимова Муҳаббат Усарқуловна — Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги 16-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Саттаров Ибадулла — Хоразм вилояти Хонқа туманидаги 10-мактабнинг математика ўқитувчиси

Ташпўлатов Дўсназар Қурбонович — Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги 69-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

Тилемисов Онгарбай — Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 26-мактабнинг кимё ўқитувчиси

Тиллаев Иброхим Мунимхонович — Наманган вилояти Косонсой туманидаги 8-мактабнинг директори

Тожиев Тўлқин Тожиевич — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 13-мактабнинг информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари ўқитувчиси

Тохтасимов Шухрат Махмутович — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг мумтоз рақс ўқитувчиси

Тухтаматова Рузибу Ибрагимовна — Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 22-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси

Тўраева Сайёра Тошпулатовна — Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 23-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Фозилов Турсунбой Хошимович — Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 1-иқтидорли болалар мактаб-интернатининг инглиз тили ўқитувчиси

Хайитматова Рамзия Расуловна — Тошкент вилояти Паркент туманидаги 22-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Хакимова Анаргул — Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 61-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Хакимова Назира Мусаевна — Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги 9-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Хамидова Гулчехра Усановна — Сирдарё вилояти Меҳнатобод туманидаги 9-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Холбаев Жуманазар Бурханович — Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги 13-мактабнинг биология ўқитувчиси

Хожиев Тўлқин Тожиевич — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 13-мактабнинг информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари ўқитувчиси

Тохтасимов Шухрат Махмутович — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг мумтоз рақс ўқитувчиси

Тухтаматова Рузибу Ибрагимовна — Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 22-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси

Тўраева Сайёра Тошпулатовна — Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 23-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Фозилов Турсунбой Хошимович — Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 1-иқтидорли болалар мактаб-интернатининг инглиз тили ўқитувчиси

Хайитматова Рамзия Расуловна — Тошкент вилояти Паркент туманидаги 22-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Хакимова Анаргул — Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 61-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Хакимова Назира Мусаевна — Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги 9-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Хамидова Гулчехра Усановна — Сирдарё вилояти Меҳнатобод туманидаги 9-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Холбаев Жуманазар Бурханович — Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги 13-мактабнинг биология ўқитувчиси

**Ходж

Ўзбекистон фуқароси патент вакили бўлиши мумкин. Патент вакилларига қўйиладиган малака талаблари, уларни аттестациядан ўтказиш ва рўйхатга олиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи жисмоний шахслар ёки чет эллик юридик шахслар саноат мулки объектларини патентлаш бўйича ишларни ва улар билан боғлиқ бўлган юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни Патент идорасида рўйхатга олинган патент вакиллари орқали амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, бироқ вақтинча унинг ҳудудидан ташқарида турган жисмоний шахслар саноат мулки объектларини патентлаш бўйича ишларни ва улар билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси доирасида ёзишмалар олиб бориш учун манзилни кўрсатган ҳолда, патент вакилисиз амалга оширишлари мумкин.

Патент вакилининг ваколатлари ишончнома билан тасдиқланади.

36-модда. Саноат мулки объектларини бошқа давлатларда патентлаш

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари саноат мулки объектларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа давлатларда патентлаш ҳуқуқига эга.

37-модда. Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари

Чет эллик юридик ва жисмоний шахслар ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан тенг равишда ёки келишув принципи асосида фойдаланадилар.

38-модда. Низоларни ҳал этиш

Саноат мулки объектларини яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

39-модда. Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида

(янги таҳрири)

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2002 йил

Кирқиш чизиғи

фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши деб эътироф этилади.

Саноат мулки объектидан патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда фойдаланаётган шахслар патент эгасининг талабига кўра:

патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузувчи ҳаракатларни тўхтатишлари;

патент эгасига етказилган зарарнинг ўрнини қонун ҳужжатларига мувофиқ қоплашлари шарт.

III. ПАТЕНТ БЕРИШ ҲАҚИДАГИ ТАЛАБНОМА

14-модда. Патент бериш ҳақидаги талабномани топшириш

Патент бериш ҳақидаги талабнома муаллиф, иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий вориси (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) томонидан Патент идорасига топширилади.

Патент бериш ҳақидаги талабномаларга белгиланган миқдорда патент божи тўланганлигини ёки патент божи тўлашдан озод қилишнинг ёхуд унинг миқдори камайтирилишининг асосларини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинади.

Патент бериш ҳақидаги талабнома ҳужжатларига доир талаблар Патент идораси томонидан белгиланади.

Патент бериш ҳақидаги талабнома шахсан, патент вакили ёки ишончли шахс орқали топширилиши мумкин.

15-модда. Ихтирога патент бериш ҳақидаги талабнома

Ихтирога патент бериш ҳақидаги талабнома (бундан буён матнда ихтиро ҳақидаги талабнома деб юритилади) битта ихтирога ёки ягона ихтирочилик фикрини (ихтиро бирлиги талабини) ташкил этган тарзда бир-бири билан узвий боғланган ихтиролар гуруҳига тааллуқли бўлиши керак.

Ихтиро ҳақидаги талабнома:

ихтиронинг муаллифи (ҳаммуаллифлари) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса, ана шу шахс, шунингдек уларнинг турар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш ҳақидаги аризани;

ихтиронинг уни амалга ошириш учун етарли бўлган

Буклаш чизиғи

даражада тўлиқ очиб берилган тавсифини;

ихтиронинг моҳиятини ифодаловчи ҳамда унинг тавсифига тўла мувофиқ бўлган формуласини;

агар ихтиронинг моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, чизмалар ва бошқа материалларни;

ихтиро рефератини ўз ичига олиши лозим.

16-модда. Фойдали моделга патент бериш ҳақидаги талабнома

Фойдали моделга патент бериш ҳақидаги талабнома (бундан буён матнда фойдали модель ҳақидаги талабнома деб юритилади) битта фойдали моделга ёки ягона ижодкорлик фикрини (фойдали модель бирлиги талабини) ташкил этган тарзда бир-бири билан узвий боғланган фойдали моделлар гуруҳига тааллуқли бўлиши керак.

Фойдали модель ҳақидаги талабнома:

фойдали моделнинг муаллифи (ҳаммуаллифлари) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса, ана шу шахс, шунингдек уларнинг турар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш ҳақидаги аризани;

фойдали моделнинг уни амалга ошириш учун етарли бўлган даражада тўлиқ очиб берилган тавсифини;

фойдали моделнинг моҳиятини ифодаловчи ҳамда унинг тавсифига тўла мувофиқ бўлган формуласини;

агар фойдали моделнинг моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, чизмалар ва бошқа материалларни;

фойдали модель рефератини ўз ичига олиши лозим.

17-модда. Саноат намунасига патент бериш ҳақидаги талабнома

Саноат намунасига патент бериш ҳақидаги талабнома (бундан буён матнда саноат намунаси ҳақидаги талабнома деб юритилади) битта саноат намунасига тааллуқли бўлиши керак ва у шу намуна вариантларини (саноат намунаси бирлиги талабини) қамраб олиши мумкин.

Саноат намунаси ҳақидаги талабнома:

саноат намунасининг муаллифи (ҳаммуаллифлари) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса, ана шу шахс, шунингдек уларнинг турар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш ҳақидаги аризани;

буюмнинг ташқи кўринишини ҳақида тўла-тўкис, бор тафсилоти билан тасаввур қилиш имконини берувчи буюм акс эттирилган тасвирлар туркумини, макет ёки расмни;

агар саноат намунасининг моҳиятини очиб бериш учун зарур бўлса, буюм умумий кўринишининг чизмаси, эрго-

Қирқиш чизиғи

намунасидан фойдаланилган ҳолда тайёрланган деб эътироф этилади.

31-модда. Аввал фойдаланганлик ҳуқуқи

Саноат мулки объекти устуворлиги белгиланган санага қадар унинг муаллифидан мустақил тарзда айнан ўхшаш бўлган ечимдан фойдаланган ёки шунга етарли даражада тайёргарлик кўрган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтирмаган тарзда, кейинчалик ҳам ундан бепул фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Аввал фойдаланганлик ҳуқуқи бошқа юридик ёки жисмоний шахсга фақат айнан ўхшаш ечимдан фойдаланилган ёки шунга етарли даражада тайёргарлик кўрилган ишлаб чиқариш билан биргаликда топширилиши мумкин.

32-модда. Саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш

Патент эгаси бўлмаган ҳар қандай шахс патент билан муҳофаза қилинган саноат мулки объектидан фақат патент эгасининг рухсати билан лицензия шартномаси асосида фойдаланишга ҳақли.

Патент эгаси саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳар қандай шахсга бериш тўғрисида (очиқ лицензия) Патент идорасига ариза топшириши мумкин. Бу ҳолда патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун ундириладиган патент божи шундай ариза тўғрисидаги маълумотлар Патент идораси томонидан эълон қилинганидан кейинги йилдан бошлаб эллик фоизга камайтирилади.

Очиқ лицензияни олиш истагини билдирган шахс патент эгаси билан номутлақ лицензия бериш тўғрисида шартнома тузиши шарт. Шартнома шартлари бўйича низолар суд томонидан кўриб чиқилади. Патент эгасининг очиқ лицензияга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш ҳақидаги аризаси чақириб олинмайди.

Саноат мулки объектидан патент эгасининг розилигисиз мутаносиб миқдорда унга товон тўлаган ҳолда фойдаланилишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда рухсат бериши мумкин.

Агар патент эгаси саноат мулки объектидан унинг таркибида бошқа юридик ёки жисмоний шахсга қарашли муҳофаза қилинаётган ўзга объект қўлланилиши туфайли фой-

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида

(янги таҳрири)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини (бундан буён матнда саноат мулки объектлари деб юритилади) яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси (бундан буён матнда Патент идораси деб юритилади) саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди.

Патент идораси саноат мулки объектларига патент бериш ҳақидаги талабномаларни (бундан буён матнда патент бериш ҳақидаги талабнома деб юритилади) кўриб чиқиш учун қабул қилади, улар бўйича давлат экспертизасини ўтказади, уларни давлат рўйхатига олади, саноат мулки

тининг патентини ўз номига олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда иш берувчи патент эгасига шартномада белгиланадиган миқдорда товон тўлаб, ўз ишлаб чиқаришида тегишли саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Иш берувчи саноат мулки объектини сир сақлаган тақдирда муаллифга (ҳаммуаллифларга) мутаносиб равишда ҳақ тўлаши шарт, ҳақ миқдори шартномада белгиланади.

11-модда. Патент эгасининг саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқи

Агар саноат мулки объектидан ўз хоҳишича фойдаланиш бошқа патент эгаларининг ҳуқуқларини, шу жумладан бошқа шахсларнинг мазкур объектдан фойдаланишини тақиқлаб қўйиш ҳуқуқини бузмаса, бундай фойдаланиш патент эгасига тегишлидир, шу зайлда фойдаланиш ушбу Қонунга мувофиқ патент эгасининг ҳуқуқини бузиш деб ҳисобланмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

Бир нечта патент эгасига қарашли бўлган саноат мулки объектидан фойдаланиш борасидаги ўзаро муносабатлар улар ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, ҳар бир патент эгаси муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектидан ўз хоҳишича фойдаланиши мумкин, лекин қолган патент эгаларининг розилигисиз объектга мутлақ лицензия беришга ёки патентни ўзга шахсга топширишга ҳақли эмас.

Патент эгаси патент билан тасдиқланган саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқни патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартнома бўйича ёки саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензия шартномаси бўйича ҳар қандай юридик ёхуд жисмоний шахсга (шахсларга) топшириши мумкин. Патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартнома ва лицензия шартномаси Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Патент эгаси фойдаланилаётган саноат мулки объектлари патентланганлигини кўрсатувчи огоҳлантириш тамғасидан фойдаланиши мумкин.

Патент эгалари патент рўйхатга олинган санадан бошлаб уч йил мобайнида саноат мулки объектидан фойдаланмаса ёки етарли даражада фойдаланмаса, ушбу муҳофаза этилаётган саноат мулки объектидан фойдаланишни хоҳловчи ва фойдаланишга тайёр ҳар қандай шахс, патент эгаси лицензия шартномаси тузишдан бош тортган тақ-

ланиши мумкин. Бунда бирмунча олдин топширилган талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади.

Агар давлат экспертизаси жараёнида патент бериш ҳақидаги ўхшаш талабномалар айни битта устуворлик санасига эга эканлиги аниқланса, у ҳолда патент Патент идорасига олдинроқ сана билан жўнатилганлиги исботланган талабнома бўйича, башарти жўнатилган саналари ҳам бир хил бўлиб чиқса, қайси бирида Патент идорасининг рўйхатга олиш кирим рақами олдин қайд этилган бўлса, шу талабнома бўйича берилади.

Саноат мулки объекти устуворлиги бирмунча олдин устуворлик сўралган, чақириб олинган патент бериш ҳақидаги талабнома келиб тушган санага кўра белгиланиши мумкин эмас.

Патент бериш ҳақидаги ажратилган алоҳида талабнома бўйича саноат мулки объекти устуворлиги Патент идорасига топширилган дастлабки талабнома санасига кўра белгиланади.

19-модда. Талабномаларни ўзгартириш

Талабнома берувчи патент бериш ҳақидаги қарор қабул қилингунга қадар ихтиро ҳақидаги талабномани фойдали модель ҳақидаги талабнома, фойдали модель ҳақидаги талабномани эса ихтиро ҳақидаги талабнома қилиб ўзгартиришга ҳақлидир. Бундай ўзгартиришлар чоғида биринчи талабноманинг устуворлиги сақланиб қолади.

Талабномаларни ўзгартириш тегишли патент божи тўланганидан сўнг амалга оширилади.

IV. ПАТЕНТ БЕРИШ ҲАҚИДАГИ ТАЛАБНОМАНИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ

20-модда. Патент бериш ҳақидаги талабноманинг давлат экспертизаси

Патент идораси патент бериш ҳақидаги талабнома бўйича расмий экспертиза, фойдали модель ҳақидаги талабнома экспертизаси ҳамда ихтиро ҳақидаги талабноманинг ёки саноат намунаси ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизасидан (бундан буён матнда моҳият бўйича экспертиза деб юритилади) иборат бўлган давлат экспертизасини ўтказади.

Талабнома берувчи патент бериш ҳақидаги талабнома

сўралганда уларга битта патент берилади.

Саноат мулки объекти патентининг шакли ва унда кўрсатиладиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Берилган саноат мулки объекти патентидаги кўзга яққол ташланиб турган ва техник хатолар патент эгасининг талабига кўра Патент идораси томонидан тузатилади.

27-модда. Саноат мулки объекти патентини ҳақиқий эмас деб эътироф этиш

Саноат мулки объекти патенти Апелляция кенгашига берилган апелляция бўйича исталган вақтда ҳуқуқий муҳофазанинг тўлиқ ҳажмида ёки унинг фақат бир қисми бўйича қуйидаги асосларга кўра ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши мумкин:

муҳофаза қилинадиган саноат мулки объекти патентга лаёқатлилик шартларига мос эмаслиги;

ихтиро, фойдали модель формуласида ёки саноат намунасининг муҳим белгилари мажмуида талабноманинг дастлабки материалларида бўлмаган белгиларнинг мавжудлиги.

Саноат мулки объектига патент бериш Апелляция кенгашига апелляция топширилиши муносабати билан тўхтатиб турилиши мумкин.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

Агар низо судда кўриб чиқиладиган бўлса, низо ҳал этилгунига қадар саноат мулки объектига доир ишни юритиш Патент идораси томонидан тўхтатиб турилади.

28-модда. Саноат мулки объекти патентининг амал қилишини тугатиш

Саноат мулки объекти патентининг амал қилиши унинг ушбу Қонунга мувофиқ белгиланган амал қилиш муддати ўтганидан кейин тугатилади.

Саноат мулки объекти патентининг амал қилиши:

патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божлари белгиланган муддатда тўланмаганда;

патент эгаси Патент идорасига топширган аризага асосан муддатидан илгари тугатилади.

Саноат мулки объекти патентининг амал қилиши муд-

қарши эътироз билдириш ёхуд патент эгаси сифатида ўзига (ўзларига) патентнинг ўтказилишини суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Саноат мулки объектининг патенти давлат экспертизаси ўтказилганидан кейин берилади.

Ихтиро патенти ихтиронинг янгилигини, ихтиролик даражасини, унинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг ихтирога эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Фойдали модель патенти фойдали моделнинг янгилигини, унинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг фойдали моделга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Саноат намунаси патенти саноат намунасининг янгилиги ва ўзига хослигини, унинг ҳақиқийлигини ҳамда патент эгасининг саноат намунасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Саноат мулки объекти патентининг тўла ҳажмдаги ҳуқуқий муҳофазаси ёки бу муҳофазанинг фақат бир қисми ҳақиқий эмаслигини исботлаш вазифаси патентни ҳақиқий эмас деб даъво қилаётган тараф зиммасига юкланади.

Патент эгасининг мутлақ ҳуқуқи саноат мулки объекти рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинган санадан эътиборан амалда деб ҳисобланади.

Патент идорасига патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан ҳисоблаганда ихтиро патенти йигирма йил мобайнида, саноат намунаси патенти ўн йил мобайнида, фойдали модель патенти беш йил мобайнида амал қилади.

Ихтиро патентининг амал қилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда патент эгасининг илтимосномасига биноан Патент идораси томонидан кўпи билан беш йил муддатга узайтирилиши мумкин. Бундай ихтиро патентининг амал қилишини узайтириш тартиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Саноат намунаси патентининг ва фойдали модель патентининг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосномасига биноан Патент идораси томонидан тегишинча беш йилга ҳамда уч йилга узайтирилиши мумкин.

Ихтиро ҳамда фойдали модель патенти таъминлайдиган

вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Қурилмаларнинг конструктив йўл билан бажарилиши фойдали моделларга тааллуқлидир.

Ушбу Қонун 6-моддасининг тўққизинчи қисмида кўрсатилган объектлар фойдали моделлар сифатида муҳофаза қилинмайди.

8-модда. Саноат намунасининг патентга лаёқатлилик шартлари

Агар саноат намунаси сифатида кўрсатилган объект янги ва оригинал (ўзига хос) бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар саноат намунасининг муҳим белгилари мажмуи саноат намунасига устуворлик бериш санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган маълумотлардан аён бўлмаса, у янги деб эътироф этилади.

Саноат намунасининг янгилигини аниқлаш чоғида бирмунча олдин устуворликка эга бўлган ҳолда топширилган ва чақириб олинмаган патент бериш ҳақидаги талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

Саноат намунаси, агар унинг муҳим белгилари мажмуи буюм хусусиятларининг ижодий жиҳатлари билан боғлиқ бўлса, оригинал деб эътироф этилади.

Саноат намунасига тааллуқли ахборотнинг муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита шу ахборотни олган ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар саноат намунасига патент бериш ҳақидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан кўпи билан олти ой ичида Патент идорасига топширилган бўлса, саноат намунасининг патентга лаёқатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу ҳолни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Буюмнинг ташқи кўринишини ифодалайдиган бадиий-конструкторлик ечими саноат намуналари жумласига киради.

Қуйидагилар саноат намуналари деб эътироф этилмайди:

матбаа маҳсулотлари;

архитектура объектлари (кичик архитектура шаклларидан ташқари), саноат, гидротехника иншоотлари ва бошқа стационар иншоотлар;

суюқ, газсимон, сочилувчан ёки шунга ўхшаш модда

Талабнома берувчи саноат мулки объекти тегишли давлат реестрида давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар давлат экспертизасининг исталган босқичида патент бериш ҳақидаги талабномани чақириб олиши мумкин.

Патент бериш ҳақидаги талабнома материалларидаги маълумотлар Патент идораси томонидан сир сақланиши керак ва улар ҳақидаги ахборот талабнома берувчи ёки патент эгасининг розилигисиз берилмайди. Талабнома материалларидаги ахборотни саноат мулки объекти рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги маълумотлар расмий равишда эълон қилингунга қадар ошкор этганлик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Патент идораси томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилиб олинган патент бериш ҳақидаги талабномалар талабнома берувчиларга қайтарилмайди.

21-модда. Расмий экспертиза

Расмий экспертиза патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан бошлаб икки ой ўтгандан кейин Патент идораси томонидан ўтказилади. Талабнома берувчининг илтимосномасига биноан расмий экспертиза кўрсатилган муддат ўтмасиданоқ бошланиши мумкин. Бу ҳолда талабнома берувчи илтимоснома топширилган пайтдан бошлаб қўшимча патент божи тўламасдан талабнома материалларига ўз ташаббуси билан қўшимчалар, тузатишлар ва аниқликлар киритиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Расмий экспертиза мобайнида тақдим этилган таклифнинг ҳуқуқий муҳофаза таъминланадиган саноат мулки объектларига қай даражада мувофиқлиги кўриб чиқилади. Расмий экспертиза натижалари бўйича Патент идорасининг қарори талабнома берувчига маълум қилинади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг қарори устидан қарор юборилган санадан эътиборан уч ойлик муддат ичида Апелляция кенгашига апелляция бериши мумкин. Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан икки ойлик муддат ичида уни кўриб чиқиши лозим.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

22-модда. Фойдали модель ҳақидаги талабнома экспертизаси

Патент идораси патент божи тўланган тақдирда фойдали модель ҳақидаги талабномани экспертизадан ўтказади. Патент божи расмий экспертизанинг талабнома кўриб чи-

Дастлабки дам олувчилар — фахрийлар

Оқдарё туманида «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» арафасида «Устоз» сиҳатгоҳи фойдаланишга топширилди. Унинг биринчи дам олувчилари 60 нафар фахрий ўқитувчи бўлди.

Сиҳатгоҳ янгидан қурилди эмас, қайта таъмирланди. Таъмирланганда ҳам кўнгилдагидек. Барча ишлар тўлиқ ҳашар йўли билан амалга оширилди. Илгари вилоят хўжаликлараро қурилиш трести қарамоғида бўлган ушбу сиҳатгоҳ вилоят ҳокимлиги томонидан халқ таълими бошқармаси тасарруфига ўтказиб берилди.

Энди устозларнинг ўз сиҳатгоҳлари бор.

А.САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲИКМАТ

Елғон қасам сўзга банд этма тилинг,
Жонингга зарардир, чок этар дилинг.

САВОЛ БИЗДАН...

Зоология фанига ким асос солган?

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

Мақолнинг тўлиқ матни — «Офтоб кирмаган уйга табиб киради».

136-35-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони жамоаси масъул ходим Акмал Раҳмонбердиевга падари бузруквори

Каримберди ота РАҲМОНБЕРДИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг республика Дезинфекция станцияси жамоаси бош ҳисобчи Иноят Набиевага отаси

Муродхон ТОЖИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони масъул ходими Аброр Қиличевга отаси

Барот ҚИЛИЧЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компанияси жамоаси бухгалтериянинг етакчи мутахассиси Зуҳра Жунисбековага онаси

Марияш ПАЗИЛБЕКОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

«Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган **"Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"**ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинмоқда).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 29 август.

2

номик схемаси, конфекцион харитасини;

саноат намунасининг ундаги муҳим белгилар мажмуини акс эттирган тавсифини ўз ичига олиши лозим.

18-модда. Саноат мулки объекти устуворлиги

Саноат мулки объекти устуворлиги патент бериш ҳақидаги талабнома Патент идорасига топширилган санага кўра белгиланади.

Саноат мулки объекти устуворлиги:

Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси иштирокчиси бўлган бошқа давлатда (конвенция устуворлиги) топширилган биринчи талабнома қайд этилган сана бўйича, агар мазкур санадан эътиборан ихтиро ҳақидаги талабнома ва фойдали модель ҳақидаги талабнома ўн икки ой ичида, саноат намунаси ҳақидаги талабнома эса олти ой ичида Патент идорасига келиб тушган бўлса, белгиланиши мумкин. Агар конвенция устуворлиги сўралган талабнома уни берувчига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра белгиланган муддатда топшириб улгурилмаса, бу муддат Патент идораси томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин. Конвенция устуворлиги ҳуқуқидан фойдаланиш истагидаги талабнома берувчи ўзининг ана шу истагини талабномани топшириш чоғида кўрсатиб ўтиши ва (ёки) зарур материалларни талабнома топширилган санадан эътиборан кўпи билан уч ой ичида Патент идорасига тақдим этиши шарт;

қўшимча материаллар топширилган сана бўйича, агар талабномага илова қилинган қўшимча материаллар талабномада кўрсатилган ихтиро моҳиятини ўзгартириб юборади деб топилиши муносабати билан уларни қабул қилиш мумкин эмаслигини Патент идораси талабнома берувчига билдирган санадан эътиборан уч ой муддат тугагунга қадар бу қўшимча материаллар талабнома берувчи томонидан мустақил талабнома сифатида расмийлаштирилган бўлса, белгиланиши мумкин;

шу талабнома берувчининг Патент идорасига бирмунча олдин тақдим этган, ушбу саноат мулки объектининг моҳиятини очиб берувчи талабномаси топширилган сана бўйича, агар бундай устуворлик сўралаётган талабнома бирмунча олдин берилган ихтиро ҳақидаги талабнома ва фойдали модель ҳақидаги талабнома келиб тушган санадан эътиборан ўн икки ой ичида ва бирмунча олдин берилган саноат намунаси ҳақидаги талабнома келиб тушган санадан эътиборан олти ой ичида топширилган бўлса, белги-

14

дирда, ўзига мажбурий номутлақ лицензия беришни сўраб судга илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин.

12-модда. Патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайдиган ҳаракатлар

Қуйидаги ҳоллар патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайди:

Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган қурилмаларни Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси иштирокчиси бўлган бошқа давлатнинг транспорт воситасида мазкур восита вақтинча ёки тасодифан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган вақтда, башарти бу қурилмалардан фақат мазкур воситанинг эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бўлса, қўллаш;

патентлар билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситалар устида илмий тадқиқот ёки тажриба ўтказиш;

патентлар билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни табиий офатлар, ҳалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолатларда қўллаш;

патентлар билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни, агар бу воситалар фуқаролик муомаласига қонуний йўл билан киритилган бўлса, қўллаш;

патентлар билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни даромад олмай шахсий мақсадларда қўллаш;

дорихоналарда шифокор рецепти бўйича дориларни бир маротабалик тайёрлаш.

13-модда. Патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши

Патент билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан ушбу Қонуннинг 11 ва 32-моддаларида назарда тутилган қоидаларга хилоф равишда фойдаланаётган ҳар қандай шахс патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузувчи ҳисобланади.

Патентланган саноат мулки объектидан фойдаланган ҳолда буюмларни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёхуд ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулда бевосита тайёрланган буюмларни

11

Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

Буклаш чизиғи

далана олмаса, патент эгаси мазкур шахсдан бу объектдан шартномада назарда тутилган шартлар асосида фойдаланиш учун лицензия беришни талаб қилишга ҳақлидир.

33-модда. Саноат мулки объектларидан фойдаланишнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши

Муаллифларга ва саноат мулки объектларидан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектларга солиқ солиш ва кредит беришда имтиёзли шартлар белгиланади, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа имтиёзлар берилади.

VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

34-модда. Патент божлари

Саноат мулки объектларига ҳуқуқий муҳофаза бериш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни бажарганлик учун патент божлари ундирилади. Патент божлари Патент идорасига тўланади.

Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўлов миқдорларини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш учун асослар, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Патент божлари талабнома берувчи, патент эгаси ва бошқа манфаатдор шахс томонидан тўланади.

Патентни ўз қучида сақлаб турганлик учун патент божини тўлаш мақсадида қўшимча патент божи тўланган тақдирда, патент эгасига олти ойлик имтиёзли муддат берилади.

Агар патентни ўз қучида сақлаб турганлик учун патент божи ва қўшимча патент божи имтиёзли муддат мобайнида тўланмаса, патентнинг амал қилиши белгиланган муддатда патент божи тўланмаган кундан эътиборан тугатилади.

35-модда. Патент вакиллари

Патент вакили юридик ва жисмоний шахсларнинг Патент идораси олдидаги вакиллик ҳуқуқини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган

23

Қирқиш чизиғи

Қирқиш чизиғи

топширилган санадан эътиборан икки ой мобайнида талабномада кўрсатилган саноат мулки объектининг моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда унга тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимча материаллар киритиш ҳуқуқига эга.

Белгиланган талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилган патент бериш ҳақидаги талабнома юзасидан талабнома берувчига сўров юборилиб, унда шу сўров йўлланган санадан эътиборан уч ой ичида тузатишлар киритилган ёки етишмаётган материалларни тақдим этиш таклиф қилинади. Агар талабнома берувчи сўралган материалларни ёки белгиланган муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўрсатилган муддатда тақдим этмаса, патент бериш ҳақидаги талабнома чақириб олинган ҳисобланади.

Патент бериш ҳақидаги талабнома бўйича тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимча материаллар патент божи тўланган тақдирда кўрсатилган муддат ўтганидан кейин ҳам, лекин патент бериш ҳақидаги қарор чиқарилгунга қадар тақдим этилиши мумкин.

Саноат мулки объекти бирлиги талаблари бузилган ҳолда топширилган патент бериш ҳақидаги талабнома юзасидан талабнома берувчига тегишли сўров унга юборилган санадан эътиборан уч ой муддат ичида ушбу объектлардан қайси бири кўриб чиқилиши лозимлигини хабар қилиш ҳамда тегишинча талабнома ҳужжатларига аниқликлар киритиш таклиф қилинади. Дастлабки талабнома материалларига киритилган бошқа объектлар алоҳида талабномаларга ажратилиши мумкин. Агар талабнома берувчи ушбу объектлардан қайси бирини кўриб чиқиш зарурлигини хабар қилмаса ва аниқлик киритилган материалларни тақдим этмаса, ихтиро, фойдали модель формуласида ёки саноат намунаси тавсифида биринчи қилиб кўрсатилган объект давлат экспертизасидан ўтказилади.

Давлат экспертизаси сўрови бўйича материалларни тақдим этишнинг талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатлари, белгиланган муддатларни узайтириш муқаррарлигини тақозо этган сабаблар тасдиқланган ва патент божи тўланган тақдирда, Патент идораси томонидан қайта тикланиши мумкин. Ўтказиб юборилган муддатларни қайта тиклаш тўғрисидаги илтимоснома талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддат тугаган кундан бошлаб кўпи билан ўн икки ой ичида топширилиши мумкин.

16

лардан иборат ўзгарувчан шаклдаги объектлар;

буюмнинг фақат техник вазифаси билан боғлиқ бўлган ечимлар;

жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

II. САНОАТ МУЛКИ ОБЪЕКТИНИНГ ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ

9-модда. Саноат мулки объектининг муаллифи

Ижодий меҳнати билан саноат мулки объектини яратган жисмоний шахс шу объектнинг муаллифи деб эътироф этилади.

Агар саноат мулки объекти бир нечта жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати асосида яратилган бўлиб, улар ўртасида тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, уларнинг барчаси шу объектнинг тенг ҳуқуқли ҳаммуаллифлари деб эътироф этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи бошқага ўтказилмайдиган ва топширилмайдиган шахсий номулкий ҳуқуқдир.

10-модда. Патент эгаси

Саноат мулки объектининг патенти қуйидагиларга берилади:

саноат мулки объектининг муаллифига (ҳаммуаллифларига) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига);

муаллиф ёки унинг меросхўри томонидан патент бериш ҳақидаги талабномада ёки саноат мулки объекти рўйхатдан ўтказилгунга қадар Патент идорасига топширилган талабнома берувчини ўзгартириш ҳақидаги аризада кўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларга (уларнинг ўзи рози бўлган тақдирда);

ушбу моддада назарда тутилган ҳолларда иш берувчига.

Ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш муносабати билан яратилган саноат мулки объектининг патентига бўлган ҳуқуқ, агар бу ҳол улар ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.

Агар иш берувчи билан муаллиф (ҳаммуаллифлар) ўртасидаги шартномада ушбу модданинг иккинчи қисмидаги қоидалар назарда тутилган бўлмаса, у ҳолда муаллиф (ҳаммуаллифлар) талабнома топшириш ва саноат мулки объек-

9

Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

Буклаш чизиғи

объектларига патентлар беради, расмий ахборотнома нашр этади, саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилишига доир қоидалар қабул қилади ва тушунтиришлар беради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Патент идораси тўғрисидаги низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Давлат бюджети маблағлари, патент божлари, шунингдек Патент идораси томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва тақдим этиладиган материаллар учун тўланадиган ҳақ Патент идораси фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

4-модда. Патент идорасининг Апелляция кенгаши

Патент идорасининг Апелляция кенгаши (бундан буён матнда Апелляция кенгаши деб юритилади) қарорлар чиқаришда мустақилдир ва ўз фаолиятида ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

Апелляция кенгаши:

Патент идорасининг талабномада кўрсатилган саноат мулки объектлари хусусидаги қарори устидан;

саноат мулки объектларига патент берилганлигига қарши манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар томонидан;

саноат мулки объектлари патентларининг ҳақиқийлигига қарши берилган апелляцияларни кўриб чиқади.

Апелляция кенгаши ўз ваколатлари доирасида апелляцияларнинг бошқа турларини ҳам кўриб чиқиши мумкин.

Апелляция кенгаши тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

5-модда. Саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш

Саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқ муаллифга (ҳаммуаллифларга) ёки унинг (уларнинг) ҳуқуқий ворисига (ҳуқуқий ворисларига) тегишли бўлади ва патент билан тасдиқланади.

Агар саноат мулки объектини бир нечта шахс бирбиридан мустақил равишда яратган бўлса, патент олиш ҳуқуқи патент бериш ҳақидаги талабномани Патент идорасига биринчи бўлиб топширган шахсга тегишли бўлади.

Муаллиф (ҳаммуаллифлар), агар ўзи (ўзлари) яратган саноат мулки объектини бошқалар ғайриқонуний ўзлаштириб олиши натижасида бу объектга талабнома топширилган ёки патент олинган бўлса, патент берилганлигига

4

датидан илгари тугатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинади.

29-модда. Саноат мулки объекти патентидан воз кечиш

Патент эгаси ёзма ариза бериб, саноат мулки объекти патентидан воз кечиш ҳуқуқига эга.

Бир нечта патент эгаларидан бирининг саноат мулки объекти патентидан воз кечиши патентнинг амал қилиши тугатилишига олиб келмайди.

Саноат мулки объекти патентидан воз кечиш Патент идораси патент эгасидан ёзма ариза олган санадан эътиборан амал қила бошлайди.

Патент эгаси саноат мулки объекти патентидан воз кечиш нияти тўғрисида муаллифни хабардор қилиши шарт. Муаллиф бундай ҳолда патентга эгалик қилишда устувор ҳуқуққа эга бўлади.

Агар саноат мулки объекти патенти лицензия шартномасининг объекти бўлса, шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, патентдан лицензия эгасининг розилиги билангина воз кечиш мумкин бўлади.

VI. САНОАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

30-модда. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан фойдаланиш

Маҳсулотда (буюмда) ихтиронинг, фойдали моделнинг формула мустақил бандига киритилган ҳар бир белгиси ёки унга муодил бўлган белги қўлланилган бўлса, бу маҳсулот (буюм) патентланган ихтиро, фойдали моделдан фойдаланилган ҳолда тайёрланган, ихтиро патенти билан муҳофаза этиладиган усул эса, қўлланилган деб эътироф этилади.

Маҳсулотни олиш усулига берилган патентнинг амал қилиши айнан шу усул ёрдамида олинган маҳсулотга ҳам татбиқ этилади. Бунда аксини исботловчи далиллар бўлмаса, бу янги маҳсулот патентланган усулда олинган деб ҳисобланади.

Агар маҳсулотда патент берилган саноат намунасининг муҳим белгилари мажмуи бўлса, у патентланган саноат

21

Қирқиш чизиғи

Қирқиш чизиғи

қишга қабул қилингани тўғрисидаги қарори талабнома берувчига юборилган санадан эътиборан уч ой ичида тўланиши мумкин. Кўрсатилган муддат ўтказиб юборилган тақдирда талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади.

Экспертиза ўтказилаётганда талабномада кўрсатилган объектнинг ушбу Қонун 7-моддасида белгиланган патентга лаёқатлилик шартларига мувофиқлиги текширилади.

Агар экспертиза натижасида талабнома фойдали моделлар сифатида муҳофаза қилинадиган объектларга тааллуқли бўлмаган таклиф тўғрисида эканлиги аниқланса, патент беришни рад этиш ҳақида қарор чиқарилиб, талабнома берувчи бундан хабардор қилинади.

Агар талабнома экспертизаси натижасида фойдали модель ҳақидаги талабнома материаллари қўйилган талабларга мос эканлиги аниқланса, Патент идораси фойдали моделга патент бериш тўғрисида қарор қабул қилади, талабнома берувчи бундан хабардор этилади.

Фойдали модель сифатида талабномада кўрсатилган объектнинг патентга лаёқатлилик шартларига мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда фойдали моделга патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, талабнома берувчи бундан хабардор этилади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг қарори устидан қарор юборилган санадан эътиборан уч ойлик муддат ичида Апелляция кенгашига апелляция бериши мумкин. Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан икки ойлик муддат ичида уни кўриб чиқиши лозим.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

23-модда. Моҳият бўйича экспертиза

Патент идораси патент божи тўланган тақдирда моҳият бўйича экспертиза ўтказади. Патент божи расмий экспертизанинг патент бериш ҳақидаги талабнома кўриб чиқишга қабул қилингани тўғрисидаги қарори талабнома берувчига юборилган санадан эътиборан уч ой ичида тўланиши мумкин. Кўрсатилган муддат ўтказиб юборилган тақдирда талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади.

Агар моҳият бўйича экспертиза ўтказиш натижасида талабнома берувчи таклиф қилган формула билан ифодаланган ихтиро сифатида талабномада кўрсатилган объект, муҳим белгилар мажмуи сифатида ифодаланган саноат на-

18

илгаридан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларнинг, микроорганизмлар штаммларининг янги мақсадда қўлланилиши.

Қуйидагилар ихтиро сифатида эътироф этилмайди:

илмий назариялар ва математика усуллари;

ташкил этиш ва бошқариш усуллари;

шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;

ақлий операцияларни бажариш қоидалари ва усуллари;

электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;

бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва чизма тарҳлари;

эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, буюмларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар;

интеграл микросхемаларнинг топологиялари;

ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;

жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

7-модда. Фойдали моделнинг патентга лаёқатлилик шартлари

Агар фойдали модель сифатида кўрсатилган объект янги бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар фойдали моделнинг муҳим белгилари мажмуи техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади.

Техника тараққиёти даражаси талабномада кўрсатилган фойдали модель амалга ошириши мумкин бўлган вазифаларни бажара оладиган воситалар ҳақидаги Ўзбекистон Республикасида ҳамма фойдалана оладиган барча маълумотларни, шунингдек уларни қўллашга доир маълумотларни ўз ичига олади.

Фойдали модель, агар ундан амалда фойдаланиш мумкин бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

Фойдали моделга тааллуқли ахборотнинг муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита шу ахборотни олган ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар фойдали моделга патент бериш ҳақидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан кўпи билан олти ой ичида Патент идорасига топширилган бўлса, фойдали моделнинг патентга лаёқатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу ҳолни исботлаб бериш

7

Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

Буклаш чизиғи

ҳуқуқий муҳофаза ҳажми уларнинг формуласи билан, саноат намунаси патенти таъминлайдиган ҳуқуқий муҳофаза ҳажми эса буюмнинг (макетнинг, расмнинг) тасвирида акс эттирилган муҳим белгилари ва (ёки) уларнинг комбинацияси (бундан буён матнда унинг муҳим белгилари мажмуи деб юритилади) билан белгиланади.

Саноат мулки объекти патенти, шунингдек уни олиш ҳуқуқи мерос бўлиб ўтади.

6-модда. Ихтиронинг патентга лаёқатлилик шартлари

Агар ихтиро сифатида кўрсатилган объект янги, ихтиролик даражасига эга ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар ихтиро техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади.

Агар ихтиро техника тараққиёти даражаси ҳақидаги маълумотлардан яққол аён бўлмаса, у ихтиролик даражасига эга бўлади.

Техника тараққиёти даражаси ихтиро устуворлиги санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган ҳар қандай маълумотларни ўз ичига олади.

Ихтиронинг янгилигини аниқлаш чоғида бирмунча олдин устуворликка эга бўлган ҳолда топширилган ва чақириб олинмаган патент бериш ҳақидаги талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

Агар ихтиродан саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда фойдаланиш мумкин бўлса, у саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

Ихтирога тааллуқли ахборотнинг муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита шу ахборотни олган ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар ихтирога патент бериш ҳақидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан кўпи билан олти ой ичида Патент идорасига топширилган бўлса, ихтиронинг патентга лаёқатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу ҳолни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Қуйидагилар ихтиро сифатида эътироф этилади:

қурилмалар;

усуллар;

моддалар;

микроорганизмларнинг штаммлари;

ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари;

6

мунаси сифатида кўрсатилган объект эса белгиланган талабларга мослиги аниқланса, Патент идораси патент бериш ҳақида қарор қабул қилади.

Ихтиро ёки саноат намунаси сифатида талабномада кўрсатилган объектнинг патентга лаёқатлилик шартларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда патент беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг қарори устидан қарор юборилган санадан эътиборан уч ойлик муддат ичида Апелляция кенгашига апелляция бериши мумкин. Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан тўрт ой ичида уни кўриб чиқиши лозим.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

V. САНОАТ МУЛКИ ОБЪЕКТИГА ПАТЕНТ ОЛИШ ВА БУ ПАТЕНТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИНИ ТУГАТИШ

24-модда. Саноат мулки объектини давлат рўйхатига олиш

Патент идораси патент бериш тўғрисида қарор қабул қилганидан сўнг саноат мулки объектини тегишинча Давлат ихтиролар реестрида, Давлат фойдали моделлар реестрида ёки Давлат саноат намуналари реестрида давлат рўйхатига олади.

25-модда. Саноат мулки объекти рўйхатга олингани тўғрисидаги маълумотларни расман эълон қилиш

Патент идораси саноат мулки объектлари рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган расмий ахборотнома нашр этади. Эълон қилинадиган маълумотларнинг тўлиқ рўйхати ва таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

26-модда. Саноат мулки объектига патент бериш

Саноат мулки объектига патент бериш объект рўйхатга олинганлиги ҳақидаги маълумотлар расмий ахборотномада эълон қилинган санадан эътиборан уч ой ўтганидан кейин Патент идораси томонидан амалга оширилади.

Саноат мулки объекти патенти Ўзбекистон Республикаси номидан берилади ва Патент идораси раҳбари томонидан имзоланади.

Саноат мулки объекти патенти бир нечта киши номига-

19

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Буюртма Г — 977. 27225 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти— *21.45*
1 2 3 4 5 6